

(?-1686-йил)

(1663-1687)

Хива хони, Шайбонийлардан. Абулгози Баходирхоннинг ўгли. Бухоро хони Абдулазизга қарши жанг (1657-йил)да қахрамонлик кўрсатиб, жанг тақдирини хивалиқлар фойдасига ҳал қилган ва отасини ўлимдан сақлаб қолган. Унинг кўшинини Бухорога етиб бориб, Самарқандни эгаллади. 1685-йилда Гиждувон яқинидаги жангда Хива кўшинлари тор-мор этилди. Бунинг учун отаси Анушахонга туг, лашкар ва Хозарасп шахрини инъом этган ва Хивада унинг номига катта ҳаммом қурдирган. Анушахон тахтга ўтиргач, хонлик чегараларини мустаҳкамлаш учун Янги Кот, Шохобод қалъаларини қурдирган. Сўнг, 1686-йил Бухоро хонлигига юриш қилиб, Гиждувон, Хазора, Самарқанд, Қарши ва Шахрисабзни эгаллаган. Анушахон даврида Бухоро-Хива муносабатлари янада кескинлашди. Анушахон Бухорони хонавайрон қилган бир неча марта харбий юриш уюштирган. Унинг кўшини хатто Бухорога етиб борган. Самарқандни эгаллаган. У Самарқанд вилояти ҳокими Хожақулибий ўтарчи билан биргалиқда Бухоро хони Субхонқулихонга қарши уруш бошлаган.

1686-йили Субхонқулихон Анушахонхонга қарши фитна уюштирди. Анушахон 1687-йил тахтдан туширилиб, кўзига мил тортилади. Анушахон даврида Қорақалпоғистондаги Султон Байс бобо ва Хивадаги Пахлавон Махмуд макбаралари, Ок масжид таъмирланган, “Шажарайи турк” асари охирига етказилган. Анушахон Хивадаги Пахлавон Махмуд макбарасига дафн этилган.